

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

306 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бухоро муҳандислик-технология институтини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 15 апрелдаги ПҚ–1954-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бухоро муҳандислик-технология институтини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 15 апрелдаги ПҚ–1954-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 6 июнь,
160-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 6 июндаги 160-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» 1998 йил 24 февралдаги 77-сон қарори 11-бандининг иккинчи хатбошидаги «Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти» сўзлари «Бухоро муҳандислик-технология институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ–1633-сон қарори)» 2011 йил 12 декабрдаги 325-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ,

2011 й., 12-сон, 96-модда) 1-илованинг 14-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «2013 йилги пудрат қурилиши ишлари дастури тўғрисида» 2012 йил 30 декабрдаги 376-сон қарорида:

а) 2.4-илованинг «Объектнинг номи ва жойлашган жойи» устунидagi «Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти» сўзлари «Бухоро муҳандислик-технология институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3.5-илованинг «Олий таълим муассасалари ва объектлари номи» устуни 4-бандидаги «Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти» сўзлари «Бухоро муҳандислик-технология институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «2013 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасига донор-мамлакатлар, халқаро ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг беғараз техник кўмак маблағларини (грантларини) жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 29 мартдаги 90-сон қарорида:

а) 1-илованинг 15-сатридаги «Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти» сўзлари «Бухоро муҳандислик-технология институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг 35-сатридаги «Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти» сўзлари «Бухоро муҳандислик-технология институти» сўзлари билан алмаштирилсин.